# АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ!

## ТАЙЁРМИЗ ДЕСАК БЎЛАДИ

Ғузор тумани марказига кираверишда, Қарши шаҳридан боришда ДАН пости бор. Ундан 20-30 метрлар ўтилгач, катта айланмадан сўнг уч тарафга йўл кетади. Ана шу айланманинг чап тарафида икки қаватли бежиримгина бино кўзга ташланади. У мўъжаз ва кўркам қилиб қурилганлиги билангина эмас, балки сайловга чорловчи шиорлар, плакатлар кўзга кўринарли жойларга чиройли қилиб жойлаштирилганлиги учун ҳам дарҳол ўзига оҳанграбодек тортади. Ана шу бинода 9-Ғузор сайлов округига қарашли 54-Ғузор сайлов участкаси жойлашган.

Сайлов участкаси раиси Йўлдош Тошпўлатов, унинг ўринбосари Эгамберди Соатов, котиби Абдисалом Тилововни шу ерда учратдик.

— Сайловга тайёрмиз, десак бўлади, — дея, саволга жавоб беради раис. — 20 ноябрда сайловчилар рўйхатини илгандик. Демак, фуқароларга рўйхат билан танишиш ва унинг тўғри-нотўғри тузилганлигини текшириш учун вақт ҳам, имкон ҳам бўлди. Чунки ҳар бир сайловчига сайловнинг қаерда, қачон ўтиши ҳақида ёзма хабар қилганмиз.

— Рўйхатга нотўғри киритиш ёки киритмаслик ҳоллари йўқ, — ишонч билан дейди котиб. — Негаки, бу ишга жуда жиддий қарадик. Ундан ташқари жамоатчилик вакиллари ҳам бу ишда яқиндан ёрдам беришди. Шунинг учун ҳозиргача бирорта ҳам ариза тушгани йўқ. Мабодо тушунмовчилик билан бирорта сайловчи мурожаат қилиб қолса, дарҳол керакли маслаҳат, ёрдам берамиз. Аъзоларимиз орасида юрист ҳам бор. Масалан, Лайло Холиқова.

— Бу йилги сайловга байрамона кайфиятда тайёргарлик кўрдик, — суҳбатга аралашади халқ депутатлари Ғузор туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси Абдурайим Абдуллаев. — Мана қаранг: хонада ҳамма нарса бор. Сайлов харитаси, сайловчиларни қайд қилиш жадвали, ҳуқуқий бурчак, телевизор, радио, газеталар тахламлари, телефон, 4 та кабина, қутилар жой-жойида. Ҳамма иш режали, тартибли.

— Ҳа, — унинг гапини тасдиқлайди котиб Абдисалом Тиловов. — 1249 сайловчининг рўйхати чиқарилди. Шулардан 18 ёшга тўлганлари 40 нафарни ташкил этади. Сайлов куни уларнинг ҳаммаси Худо хоҳласа, келиб овоз беради.

— Ўзиям шу участкадан туман Кенгашига ҳам, вилоят Кенгашига ҳам иккитадан номзод қўйилган, — дейди Собир Раҳимов маҳалласи оқсоқоли Эгамберди Ҳамроев. — Туман Кенгашига депутатликка номзоднинг иккови ҳам мактаб директори. Икковини ҳам Ёшлик, Охунбобоев, Ф. Хўжаев, С. Раҳимов кўчаларида истиқомат қилувчилар яхши билишади. Қани, қайси кўп овоз оларкин?..

— Кабиналарга қаранг, — кўрсатади Абдурайим Абдуллаев. — Сайловчи бу тарафдан кириб, бюллетенни қутига ташлагач, у ёқдан чиқиб кетаверади. Орқага қайтмайди. Кабина тепасидаги ёзувни айтмайсизми: «Муносиб номзодлар учун овоз берайлик!». Ҳаммаси ўз ўрнида дид билан жойлаштирилган.

— Ҳамма нарса ҳисобга олинган, — дейди сайлов участкаси раиси Йўлдош Тошпўлатов. — Ҳатто кузатувчиларнинг бемалол ўтириб кузатишлари учун шароит яратганмиз. Мана бу қатор қўйилган юмшоқ ўриндиқлар кузатувчилар учун. Хонтахта устига ширинликлар қўйиб қўямиз.

— Шу топда хаёлимга бир нарса келиб қолди, — кулади Эгамберди Раҳмонов. — Кузатувчилар ҳар жойдан бўлади. Тўғрими? Ҳатто халқаро ташкилотлардан ҳам келиши мумкин. Келаверишсин.

Сайлов участкасидан чиқиб, йўл-йўлакай Абдурайим Абдуллаев билан гурунглашиб кетдик.

— Тумандаги 63 та сайлов участкасида ҳам сайловга тайёргарлик ана шундай, — мамнуният билан ҳикоя қилади у. — Туман Кенгашига 30 нафар депутат сайланиши керак. 74 номзод рўйхатга олинган. Қаранг, қандай замонда яшаяпмиз, фақат буни тушуниш ва идрок қилиш, энг муносиб кишига овоз бериш керак. Менимча, сайловчилар худди шундай қилишади. Жойларда бўлиб ўтган учрашувларда бунга ишонч ҳосил қилдим.

Ҳа, унинг ишонганича бор. Демократия онгимизга ҳам, турмушимизга ҳам сингиб бораяпти. Демак, эртамиз нурафшон бўлади. Бунда мана шу сайловлар ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## СИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРМОҚЧИСИЗ?

***Ҳозир бу савол каттаю кичик, барчани бирдай қизиқтирмоқда. Биз Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 21-ўрта мактабда жойлашган сайлов участкасида уч нафар ўспирин қизғин суҳбатлашиб турганининг устидан чиқдик. Баҳс мавзуси худди кутганимиздек сайлов ва номзодлар хусусида эди. Улар шу йил ўрта мактабни битиришган ва сайловларда биринчи марта иштирок этишаётган экан. Улар фикрини шундайича ён дафтарга ёзиб олақолдик.***

**Ғафур ҒУЛОМОВ, Тошкент алоқа техникумининг талабаси:**

— Мен туман Кенгаши депутатлигига номзодлар ҳақида ўртоқларимга гапириб тургандим. Улар — ҳамқишлоқларим. Ҳамма яхши танийдиган, ҳурмат қиладиган одамлар.

Очиғи, жуда қизиқ вазиятга тушиб қолдим. Улардан бири ўқитувчим, яна бири ўртоғимнинг отаси. Шу боис ҳали қатъий бир фикрга келганим йўқ. Яна яхшилаб ўйлаб кўраман. Сайлов кунигача вақт бор-ку...

**Нодира ДЎСМАТОВА, «Ўзбекистон» паррандачилик акциядорлик жамияти ишчиси:**

— Сайловларнинг муқобил тарзда ўтаётгани жуда яхши бўлди. Авваллари мамлакатимизда фаолият юритаётган партиялар ҳақида етарлича тасаввурга эга эмасдим. Тадбир боис корхонамизда номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтаяпти. Уларда партиялар вакиллари сўзга чиқиб, йиғилганларни ўз дастурлари билан батафсил таништираяптилар. Шахсан менга Фидокорлар миллий демократик партиясининг дастури маъқул бўлди. Партиянинг номи ҳам. Бугун бизга мустақил юртимизни янада ривожлантиришга бел боғлаган ҳақиқий фидокорлар керак.

**Шуҳрат ВАЛИАҲМЕДОВ, ишчи:**

— Синфдошларим билан учрашиб қолганим жуда яхши бўлди. Улар билан бўлажак сайловлар хусусида, айниқса, номзодлар ҳақида анча суҳбатлашдик. Ҳатто тортишиб ҳам қолдик. Тўғри-да, ҳар ким ўз фикрига эга бўлиши керак. Бир кун аввал худди шу хусусда дадам билан ҳам анча гаплашгандик. «Ёш бола эмассан. Яхшилаб ўйлаб кўр. Ахир, сен сайловларда биринчи марта иштирок этаяпсан. Ўртоқларинг билан биргалашиб мулоҳаза қилиб кўринглар. Аммо ўзингнинг қатъий фикринг бўлсин», дедилар.

**Ҳаётга энди кириб келаётган, ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан илк бор фойдаланаётган ёшлар фикрлари, албатта, содда. Лекин беғараз ва холис. Муҳими, ана шунда.**

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Сурхондарёда ҳам республика Олий Мажлисига ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари, суҳбатлари қизиқарли кечмоқда. Бу сиёсий мулоқотларда ўрта ёшли ва кекса кишиларнинг фаоллиги кўзга ташланяпти. Улар учрашувлардан қолмайдилар. Номзодларнинг дастурларини диққат билан тинглаб, ўз муносабатларини билдирадилар.***

## ЁШИ УЛУҒЛАРНИНГ КЎЗЛАРИ ЎТКИР

**— Депутат — халқнинг сўзи, халқнинг кўзи, — дейди 143-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан бўлган бир учрашувда эл оқсоқолларидан бири Иброҳим Ўраев. — Одамлар шунинг учун маҳаллийчилик ёки тарафкашлик кайфиятларига берилмасдан энг муносиб номзод учун овоз беришлари шарт.**

**Ўраевнинг гапини 144-Олтинсой сайлов округидан Олий Мажлисга ва вилоят Кенгашига депутатликка номзодлар билан бўлган учрашувда Жобу қишлоғи фуқароси, 80 ёшар Дамин Юсупов ҳам такрорлади. — Биз ишларимизни, сўзларимизни, режаларимизни ҳам бўяб кўрсатмаслигимиз керак. Хўжакўрсинчиликнинг вақти ўтди. Ростакамига ишлашга, ростакамига гапиришга ўрганайлик. Ёлғон бор жойдан барака қочади. Файз кўтарилади. Адолатнинг, ҳақгўйликнинг пойдевори — рост гап. Аҳилликнинг, одамгарчиликнинг боши — рост гап. Биз гапи билан сўзи бир эканини кўриб-билиб турган номзодлар учун овоз берамиз.**

**— Кексалар ҳамиша ҳам оқибатлироқ, ўйловчанроқ бўлади, — дейди нафақачи Остон Мерганов 135-Шеробод сайлов округидан Олий Мажлисга депутатликка номзодлар билан мулоқотда. — Мустақил бўлиб қаричларимиз катталашди. Кўзимиз ўткирлашди. Бирон ютуқ билан, бировнинг хайрли бир иши билан хурсанд бўлган, фахрланган одам кўзига ташланиб қолган камчиликни, адолатсизликни, ғирромликни кўрса ичи ачишиб, дили оғриб, куйинишни ҳам билади. Биз қишлоқда яшаймиз. Лекин дунёни кўриб, бўлаётган янгиликларни англаб ўтирибмиз. Мен кимга, қайси номзодга овоз беришимни яхши биламан. Ахир мен сайлайдиган депутат шу улуғ Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида юртимизни бундан буён ҳам оламга яхшироқ танитадиган одам бўлишини истайман.**

**— Отахонларимизнинг, онахонларимизнинг фаоллигидан биз ўрнак олмоғимиз керак, — дейди «Камолот» ёшлар жамғармаси Шўрчи туман бўлими бошлиғи Чоршанби Маматраҳимов. — Туманимизда шундай бўляпти ҳам. Айниқса, ёшларнинг депутатликка номзоди кўрсатилган тенгдошлари дастурларига қизиқиши катта. Ёшларимиз сайловларга фаол қатнашиб, қалб даъвати ила ўзлари танлаган номзодлар учун овоз берадилар. Бунга шубҳа йўқ.**

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

### уни ким ўрганяпти?

***«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг ташкил этилиши билан республикамиз ҳаётида сифат ўзгаришлари юз берди. Албатта, бу ўзгаришларнинг аҳамиятини бир зумда англаб етиш ғоят мушкул иш эди. Бунинг учун бироз муддат, вақт талаб қилинарди. Жамият бу ўзгаришларни ўзида синаб кўриши, ўзи бошдан кечириб англаб етиши зарур эди.***

Ўша пайтдан буён орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида Марказ шаклланди, оёққа турди, ҳаётимизнинг турли долзарб масалалари бўйича 20 дан ортиқ социологик тадқиқотлар ўтказди. Республикамизнинг бир неча мингдан зиёд фуқаролари бу тадқиқотларнинг иштирокчиси бўлдилар. Улардан биринчи бўлиб юз берган сифат ўзгаришларини ҳис қилдилар: ҳеч кутилмаган бир ҳолда тўсатдан республикада фуқаролар — оддий одамларнинг фикрлари билан қизиқа бошлашди. Албатта, оддий фуқаролар учун бу ҳам кутилмаган, ҳам ёқимли ҳол эди. Одамлар секин-аста бунга ҳам кўника бошладилар, лекин конкрет социологик тадқиқотларнинг натижалари ҳали матбуотда эълон қилинмаётганлиги сабабли бу ўзгаришларнинг моҳияти охиригача англаб етилмаган эди.

Олий Мажлис ва республика Президенти сайловларига сайловолди тайёргарлик ишлари бошланиши муносабати билан марказ тадқиқотларининг аҳамияти кескин даражада ўсди. Жамиятда марказ ва унинг тадқиқотлари ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолишди. Сабаби — марказ социологик тадқиқотларининг якунларини биринчи бор оммавий ахборот воситаларида эълон қилди. Айниқса, энг муҳим восита — республика телевидениеси орқали эълон қилинган натижалар омма эътиборини ўзига оҳанграбодай тортиб олди.

Ҳудди мана шу кунларда тадқиқотларимизда иштирок этган фуқаролар, яъни респондентлар яқиндагина уларнинг қишлоғи, маҳалласига келиб, уларнинг фикрлари билан қизиққан, балки шунинг учунми, бироз ғалатироқ ҳам кўринган кишилар — бизнинг интервьюерларимизни эсга олган бўлсалар ажаб эмас. Дарвоқе, бу ғалати кишиларнинг пойтахтдан келиб, қўярда-қўймай қўлларидаги саволномаларга оддий одамларнинг жавоб беришларини сўраганликлари бежиз эмас экан-да.

Шундай қилиб, марказимиз ташкил этилиши билан луғатимизда «интервьюер» деган чиройли сўз ва ажойиб бир қўшимча касб пайдо бўлди. Ҳозирги кунда марказда 88 нафар интервьюер ўзларининг асосий меҳнат фаолиятларидан бўш вақтларида меҳнат шартномаси асосида бевосита жойларнинг ўзида жамоатчилик фикрини ўрганиш иши билан машғул бўлмоқда. Уларнинг сифат таркиби қуйидагича: интервьюерларимизнинг 52 фоизи эркаклар ва 48 фоизи аёллардир. Миллий таркиби бўйича 68 фоизи ўзбеклар, 12 фоизи руслар ва 19 фоизи бошқа миллат вакилларидир. 77 фоиз интервьюерларимиз олий, 17 фоизи — тўлиқсиз олий ва 6 фоизи — ўрта маълумотга эгалар. Уларнинг 59,6 фоизи турли корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлайдилар, 26 фоизи аспирантура, олий ўқув юртларида таълим оладилар, 15 фоизи нафақадагилар. Ёш жиҳатидан интервьюерларнинг 47 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар, 26 фоизи 30-40 ёш орасидаги кишилар, 27 фоизи эса 40 ёшдан юқоридагилардир.

Интервьюерларимиз марказда иш бошлашларидан олдин улар, албатта, меҳнат шартномаси асосида расмий равишда рўйхатга олинадилар. Меҳнат шартномаси тузилгандан сўнггина уларга марказ билан муносабатларини тасдиқловчи ҳужжат — вақтинчалик хизмат гувоҳномаси берилади. Ҳар бир социологик тадқиқотни бошлашдан олдин интервьюерлар билан уни жойларда қай тартибда ўтказиш ҳақида ўқув машғулотлари ўтказилади ва улар зарур ҳужжатлар билан таъминланадилар. Шундан кейингина интервьюерлар ўз фаолиятларини бошлашлари мумкин. Албатта, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари раисларига учрашиб, уларни ўз фаолиятларидан хабардор этадилар.

Ўқув машғулотлари давомида интервьюерларга муомала маданияти, ўзларини тутиш қоидалари ва кийиниш маданиятидан ҳам сабоқ берилади. Жойларга борганда миллий анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, маҳаллий расм-русумларга алоҳида эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

Социологик сўровлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Интервьюерларни меҳнат шартномаси асосида ишга жалб этишдан олдин уларнинг давлат тилини қай даражада билишларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Айниқса, улар сўров ишларини давлат тилида олиб борадиган бўлсалар, бу даражани билиш жуда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Интервьюерларнинг сифат таркибини такомиллаштириб бориш масаласи марказнинг доимий диққат-марказида туради. Уларнинг ўзлари ҳам бу масалага ғоят катта масъулият билан ёндошадилар. Буни яқинда интервьюерлар ўртасида ўтказилган экспресс-сўровнинг якунлари ҳам кўрсатиб турибди. «Сизнинг фикрингизча, интервьюер қандай хислатларга эга бўлиши керак?» деган саволга анчагина иш тажрибасига эга бўлган интервьюерларимиз «Интервьюер ҳалол, билимдон, эпчил, очиқ юзли, икки тилли ва сабр-тоқатли бўлиши керак» дея жавоб бердилар. Мен бу хислатларга қўшимча тарзда интервьюер истарали ва доимо кулиб турувчи киши бўлиши керак, деган бўлар эдим. Чунки у респондентга биринчи кўринишдаёқ ёқиши, ҳеч бўлмаганда, унда яхши таассурот қолдириши керак бўлади. Ўзига ёқмаган одам билан кимнинг ҳам суҳбат қургиси келади, ахир.

Марказ интервьюерларнинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида бу йил уларнинг аттестациясини ўтказди. Буни амалиётда мунтазам равишда давом эттириш режалаштирилган. Ўз навбатида, марказ ўз фаолиятини такомиллаштириш бўйича интервьюерларнинг фикрларини ҳам ўрганиб бормоқда.

Интервьюерлар марказнинг жойлардаги, халқ орасидаги вакиллари вазифасини ўтамоқдалар. Уларга қўйилаётган барча талабларнинг моҳияти ҳам айнан ана шу масъулият туфайлидир. Биз интервьюерларимиз марказимизни ҳамма вақт ва ҳар қандай жойда муносиб тарзда тақдим этишларини истаймиз, албатта. Шу боис ҳам жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида эндигина бошланган ўзаро ҳамкорлигимиз давомида бир-биримизни ҳам янада яхшироқ ўрганишга, эндигина пайдо бўлаётган хусусий, шахсий фикрларни асраб-авайлаб, улардан тўғри хулосалар чиқариб, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини янада такомиллаштириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Улбуси АБДУМАЛИКОВА,**
**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази котибияти мудири.**

### Халқаро ҳамкорлик

## «2000 ЙИЛ МУАММОСИ» ҲАЛ ЭТИЛАДИ

***Мустақиллик йилларида республикамизда телекоммуникация тизими халқаро андозалар даражасида гуркираб ривож топа бошлади. Бунда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг алоҳида ўрни бор. Телекоммуникациямиз ривожига, жумладан, Швециянинг «Ericsson» компанияси ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Ўзбекистонда 1998 йилда очилган ана шу компания ваколатхонасининг бошлиғи жаноб Гюнтер БЕГЕМАНН билан суҳбатимиз ҳам телекоммуникация жабҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида бўлди.***

**— Жаноб Бегеманн, Ўзбекистонда «Ericsson» компанияси ваколатхонаси очилишининг ўзи ушбу компаниянинг бу ўлка бозорига алоҳида қизиқишидан далолат беради, албатта. Модомики шундай экан, айтингчи, швед тадбиркор доираларининг бизнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларига сабаб нима ва Ўзбекистонни Швецияда қай даражада билишади?**

— Очиғини айтишимиз керак, яқин-яқинларгача ҳам шведларнинг Ўзбекистон ҳақида маълумоти ғира-шира бир даражада эди. Бироқ шу йилнинг апрел ойида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Швецияда бўлгач, ўзаро ҳамкорликка жиддий қизиқиш уйғонди. Таркибида бир неча вазирлик, идоралар ва корхоналарнинг вакиллари бўлган мазкур делегация Швеция Савдо палатаси уюштирган семинарда қатнашиб, Ўзбекистоннинг савдо ва сармоявий фаолият учун нақадар катта имкониятларга эга эканлиги билан бошқаларни таништиришди. Швециядаги ташкилотлар ва компанияларнинг вакиллари бундай таништирувдан кейин Ўзбекистонда ўзаро ҳамкорликда бизнесни ташкил этиш манбаларини чуқурроқ ва батафсилроқ ўргана бошлади.

Жумладан, бизнинг «Ericsson» компаниямиз ваколатхонаси, мана иккинчи йилдирки, бу ўлка бозорини кенгроқ ўзлаштириш йўлида ишламоқда. Республиканинг телекоммуникация тизимини ривожлантириш йўналишида аллақачон биз бошлаган фаолият, бу борадаги самарали ҳамкорлик ва биз орттирган мижозлар сўзимизнинг далили бўла олади.

**— Ўзбекистонда бизнес ривожининг қайси йўналишлари энг истиқболли? «Ericsson» компанияси ўзбек шериклари билан ҳамкорликдан мамнуният ҳосил қилишяптими?**

— Ўзбекистон иқтисодиётининг энг истиқболли ва муҳим йўналишларидан бири — бу телекомуникация тармоғидир. Ана шу тармоқни хусусийлаштириш борасида, жумладан, бизнинг компаниямиз ҳам иш олиб бормоқда. Бу соҳада хусусийлаштириш ўтказган деярли барча мамлакатларда унга салмоқли сармояни жалб этиш энг ижобий омил ҳисобланиб келиняпти. Бунинг оқибатида эса телекоммуникация тармоғининг сифат жиҳатидан ўсиши тезлашади, хизмат турлари ранг-баранглашади, пировардида, ривожланиб бораётган иқтисодий рақобат шароитида бу хизмат турларининг баҳоси аста-секин камайтириб борилади. Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати мазкур йўналишда ишларни самарали йўлга қўйган.

Юқорида айтилганларни давом эттирадиган бўлсак, стационар ва мобиль телефон бўйича хизматни кучайтириш, интернет тармоғи бўйича маълумотларни узатиш энг келажакли йўналишлардир. Телекоммуникация тармоқлари фаолиятини ҳар бир нуқтада такомиллаштириб бориш, уларнинг оммалашуви ва ишончли фаолият юритишига эришиш ҳам бу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш масалаларидандир.

Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик хусусида гап кетса, айтиш керакки, қисқа фурсатда «Ericsson» компанияси бу ҳудудда кўпгина шартномалар тузишга эришди. Бу шартномалар эса мобиль алоқа телефонларини ривожлантиришга, шунингдек, бизнинг телефон системамизни бир неча маҳаллий корхоналарга ўрнатишга ҳуқуқий кафолат яратди. Биз республикада фаол иш олиб бораётган Daewoo Unitel ва Rubicon U-Tel уяли телефон алоқаси операторлари билан барқарор шериклик ўрнатганимиздан ҳам мамнунмиз.

**— Телекоммуникация соҳасига кимнингки у ёки бу даражада алоқаси бўлса, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи операторларини ҳам «2000 йил муаммоси» (V2K) ташвишлантириб турибди. Бу борада «Ericsson» компанияси корхоналари ўз мижозларини қўллаб-қувватлаш учун қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?**

— «Мингйилликнинг алмашиниши» (V2K) билан боғлиқ дастурни биз 1997 йилдаёқ ишлаб чиққанмиз. Унинг бош вазифаси компаниямиз фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган потенциал йўқотишларни камайтиришдан иборатдир. Шу маънода, бизнинг компаниямиз маҳсулотлари «мингйилликнинг алмашиниши» билан боғлиқ масалалар нуқтаи назаридан тест текширувларидан ўтказилди, мижозларимизга эса янги талабларга жавоб бера олмайдиган жиҳоз-ускуналарни модернизацияаштириш бўйича таклифлар билан мурожаат қилдик. «Ericsson» компаниясининг янги маҳсулотлари эса навбатдаги мингйилликда панд бермайдиган қилиб лойиҳалаштирилиб, ишлаб чиқарилмоқда. Уларда, масалан, олдиндан огоҳлантирувчи ва бошқа назорат системалари ўрнатилган. Улар шу йилнинг сентябр ойида халқаро экспериментлар пайтида асосан синовдан ўтди, қолган майда-чуйда масалалар йўл-йўлакай ҳал этилади.

Ўзбекистондаги бизнинг кўпгина маҳсулотларимиз янги мингйилликда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар таъсиридан технологик муҳофазаланган. Қолган, «мингйилликнинг алмашиниши» билан боғлиқ муаммоларга бардош бера олмайдиган технологик савиядаги жиҳоз қисмлар эса янги аср бошланишига қадар бартараф этилади. Бундай ишларни биз «Халқаро Телеком» ва «Маҳаллий Телеком» компаниялари билан, шунингдек Daewoo Unitel ва Rubicon U-Tel даги шерикларимиз билан ўзаро ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

**— Янги мингйилликка ўтиш муаммолари (V2K) «Ericsson» компанияси ишлаб чиқарган тезкор телефонларга таъсир кўрсатмайдими?**

— Ўзбекистон Республикасида «Ericsson» компаниясининг уч хил телефонлари ишлаб турибди. Булар — GSM, D-AMPS ва AMPS андозаларидаги телефонлардир. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, бизнинг телефонларимиз янги мингйилликда мутлақо нормал ишлайди.

Бироқ, телефонларнинг 2000 йилда нормал ишлаши учун улар уланган уяли алоқа операторларининг жиҳоз-ускуналари ҳам ҳеч бир панд бермасдан ишлашини ташкил этиш керак бўлади.

**Суҳбатдош:**
**М. САФАРОВ.**

## МАТЛУБОТЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон матлубот тизими фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари, вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишда «Қорақалпоқтутиниу» ҳиссадорлик компанияси раиси Давлетали Сахиев маъруза қилди. Истиқлол йилларида республика матлуботчилари томонидан 12 та янги замонавий савдо нуқтаси, 6 та умумий овқатланиш корхонаси, савдо базаси, 5 та сабзавотсақлагич, 1 та деҳқон бозори, 2 та меҳмонхона, «Иссиқбулоқ» санаторийси, бир нечта ун комбинатлари, консерва заводлари, сиғими 500 тонналик совутгич, ўнлаб кичик ишлаб чиқариш шохобчалари қуриб, фойдаланишга топширилгани қайд этилди.

Компания бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг 1,1 миллион нафар аҳолисига савдо хизмати кўрсатмоқда. Матлуботчилар йиғилишида бу хизматни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Халқ сўзи»га жавоб берадилар

## ТУМАН ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

«Мингбулоқ тумани пахтазорларида бу йил ҳосил кам бўлди. Устига устак, терим мавсуми ҳам қониқарсиз ташкил этилган. Нега?»

Мухтарам газетхон, ёдингизда бўлса, газетанинг шу йил 26 октябр сонида чоп этилган «Аввалига ерни алдашди, кейин эса...» сарлавҳали мақола худди шундай сўзлар билан бошланганди. Унда туман қишлоқ хўжалигида юз бераётган камчиликлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги хатоликлар очиб ташланганди.

Танқидий мақола моҳиятан кўриб чиқиш учун Наманган вилоят ҳокимлигига юборилганди. Куни кеча у ердан жавоб мактуби олинди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб И. Нажмиддинов имзо чеккан хатда айтилишича, вилоят ҳокимлиги ушбу мақолани тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда атрофлича ўрганиб чиққан.

Текшириш давомида ҳақиқатан ҳам Мингбулоқ туманидаги «Гигант» қишлоқ хўжалиги корхонасида 1999 йилда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги, жумладан, пахта йиғим-теримида иштирок этган теримчиларга дала шийпонларида иссиқ овқат ташкил этилмаганлиги ва беш кунлик терим пули вақтида ҳисоб-китоб қилиб тарқатилмаганлиги ҳамда ҳашарчи теримчиларга оддий шарт-шароитлар ҳам яратиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур қишлоқ хўжалиги корхонасида 1999 йилда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ўта қониқарсиз ташкил этилганлиги ҳамда пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаси 50 фоизга ҳам бажарилмаганлиги учун корхонанинг ташқи бошқарувчиси Т.Исоқов корхона вакиллар йиғилиши қарори билан эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Туманда икки-уч йилдан бери пахта ва ғалла сотишнинг йиллик шартнома режаси бажарилмай келинаётган эди. Жорий йилда ҳам пахта ва ғалла тайёрлаш режаси аро йўлда қолиб кетди.

Вилоят ҳокимининг қарори билан туман ҳокими М. Раҳматов вазифасидан озод этилди.

Ҳозирда Мингбулоқ тумани хўжаликларида 2000 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажариш қизғин олиб борилмоқда. Ушбу муҳим тадбирнинг бажарилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олган. Бошқа камчиликларни тугатиш бўйича ҳам тегишли тадбирлар белгиланди.



# МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

## Истанбул саммити Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мазкур масалага доир хулосалари нақадар долзарб ва ҳаётий эканлигини яна бир бор кўрсатди

### МУҚАДДИМА

**Тарих чархпалаги тинмай айланяпти.** Ҳаёт давом этяпти, тафаккур тобора жилоланиб, ёрқинлашиб боряпти. Инсоният ҳаёти такомиллашиб, янгидан-янги имкониятларини кўрсатяпти. Замоннинг эврилиши билан "Энг кичик заррадан юпитергача" (F. Fулом) бутун олам кенглиги, бутун ҳаёт сабоқлари, бутун инсоният тафаккурининг чексизлиги ва айни пайтда унинг айрим нуқсонлари ҳам намоён бўла бошлади. Зотан, инсон буюк фазилатларию камчиликлари билан яхлитлигича инсондир.

Инсон мавжудод сифатида қанчалик буюк яратувчилик қудратига эга бўлмасин, шунчалик жуда оддий, жўн ва ҳатто нафақат ўз ҳаётига, балки бутун инсоният тақдирига зомин бўладиган, унга қирон келтирадиган воситаларни ҳам ишга солиши мумкинлигига яна бир бор иймон келтиряпмиз.

**Замон ўзгаряпти. Тафаккур ўзгаряпти.** Унинг таъсирида ҳаётимиз ўзгаряпти, янги мазмун билан бойияпти. Бундай буюк янгиланиш ҳодисаси том маънодаги янги цивилизация даврининг бошланиши эканлиги бугун ҳаммамизга аён. Зотан, ҳар қандай буюк тараққиётлар, ривожланиш чўққилари энг аввало ҳаёт ҳодисаларининг янгиланишидан, турмуш тарзининг ўзгаришидан, одамлар дунёқараши ва тафаккур тарзининг янгиланаётганидан бошланади. Бу бежиз эмас.

Бироқ, инсоният тақдири, оламу одамлар истиқболи хусусида ўйлаш, фикрлаш, янги юз йиллик ва янги минг йиллик тақдиримизни белгилаш ҳақидаги ғоялар камдан-кам шахсларгагина насиб этди. Бугун биз фахру ифтихор билан айта оламизки, ана шундай соф инсонпарварлик, соф тараққиёт ғоялари Ўзбекистонга насиб этди. Ўзбекистон раҳбари инсоният тафаккур олами тараққиёти ва жаҳон сиёсатида истиқболли ғояларнинг янги даврини бошлаб берди десак, тўғри бўлади.

### ЯНГИЧА ТАФАККУР СТРАТЕГИЯСИ

Яқинда европаликлар Берлин девори қулаганининг ўн йиллигини байрам қилишди. Аслини олганда бу бир миллатни иккига ажратиб юборишдек нобакор сиёсатни, икки бир-бирига зид мафкура курашини барбод этган катта тарихий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган улуғ сана. Бироқ, унинг асл мазмунини, бутун моҳиятини очиб берадиган ҳодиса бутунлай бошқа. Бу бевосита жаҳон социалистик системасининг барбод бўлиши, хусусан тоталитар тузумга асосланган СССР деб аталмиш давлатнинг таназзулга учраши билан белгиланади. Бу тарих ҳақиқати.

Бироқ, яна бир ҳақиқатни тан олмоғимиз керак. Айни ана шу дунё социалистик тизимининг барбод бўлиши ва СССРнинг тарқалиб кетишига, ўн бешта мустақил мамлакатнинг пайдо бўлишига айни Ўзбекистон ҳам сабабчи бўлганлиги, у биринчилардан бўлиб Иттифоқ таркибидан чиқиб кетганлиги тарих гувоҳ бўлган ойдин ҳақиқатдир.

СССР номи билан боғлиқ бўлган "совуқ уруш" сиёсати барбод бўлгач, инсоният ҳаётига таҳдид соладиган, уни таназзулга олиб борадиган, оламшумул тараққиёт йўлини бўғадиган янги омиллар вужудга келиши мумкинлигини, бу табиий эканлигини, инсон тафаккури ва унинг феъл-атворидан келиб чиқадиган мантиқий ҳодисалигини биринчи бўлиб Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов айтган эди ва уни дунё минбаридан туриб ўртага ташлаган эди. Ўша пайтларда кимлардир бу ғояларга ишонмади, кимлардир шунчаки йўл-йўлакай айтилган гап сифатида қабул қилди. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати аччиқ ва шафқатсиз, вақт бераҳм ҳакам. У бор ҳақиқатни кўрсатди-қўйди!

Давлатимиз раҳбарининг БМТ, ЕХҲТ ва бошқа бир неча ўнлаб ташкилотлар минбарларидан туриб, шунингдек, давлат ташрифлари чоғидаги учрашувлар ва суҳбатларда минтақавий можаролар, халқаро терроризм хавфи хусусида билдирган бутунлай янги ғоялари кейинроқ, яъни 1997 йили яхлит стратегик концепция - **"Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт кафолатлари ва барқарорлик шартлари"** номли асар сифатида дунёга келди. Халқаро жамоатчилик эътирофини қозонган ушбу китоб **жаҳон сиёсатида фавқулотда янгилик сифатида қабул қилинди ва дунёнинг бир неча ўнлаб мамлакатларида таржима қилиниб,** нашр этилди.

Президент Ислом Каримов ўз асарида Ер юзидан "совуқ уруш" васвасаси йўқолди, бироқ энди мамлакатлараро, минтақавий низолар, маълум бир ҳудудлар ўртасидаги келишмовчиликлар бутун дунё тақдирини белгилайдиган улкан хавфга айланиши мумкин деган ташвишни билдирган эди. Афғонистон воқеалари ва Тожикистондаги хунрезликлари мисолида гапириб, бундай саллар бий ҳодисалар Ер шарининг турли минтақасида турли шаклларда ва турли мақсадларда юз бериши мумкинлигини, булар қандай шаклда ва мақсадлар йўлида вужудга келмасин инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига тажовуз эканлигини, у билан мутлақо муроса қилиб бўлмаслигини кўрсатиб ўтган эди. Жумладан, у **"Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу - урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронагарчиликдагина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг генофондига путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олади дейишга кимнинг ҳам қурби етади ёки виждони йўл қўяди"**, деган муаммони ўртага ташлади (Ўша китоб, 22-бет).

Ҳақиқат ана шундай аччиқ бўлади. Бугун йигирма йилдан буён уруш олови сўнмаган ҳудудда бу ажал коминининг бурқсиб ётган тутунлари инсон кўзларини ачиштираётган, қалбини ўртаб, руҳини озурда қилаётган, вужудини минг бир азобларга солаётган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий мажруҳ этаётган, натижада бутун миллат тақдирини таназзулга олиб бораётган ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин? Унинг инсониятга келтираётган заҳар заққумию зарарини ўлчаб бўладими?

Дарҳақиқат, Афғонистонда уруш бошланган кунлари туғилган чақалоқ бугун йигирма яшар навқирон йигит ва дуркунгина қиз бўлиб вояга етишди. Унинг кўргани ўлик, қон, жароҳат ва ёвузлик бўлди. Жажжи қўллари ўлик ушлаб, тетапоя оёқлари билч-билч қон босиб ўсди. Мактаб кўрмади, маърифат нима билмади, китоб ўқимади, қалам ушламади! Ушлагани ўқ-дори, қурол-яроқ, ўйлагани ёвузлик бўлди! Ҳаётда бундан ортиқ жаҳолат борми? Жаҳолатнинг мезонлари, ўлчовлари, миқёслари, чегаралари борми? Ким уни кўрсата ва белгилай олади? Агар бутун миллат фарзандлари йиллар мобайнида шу алпозда туғилсаю шу алпозда тарбияланса миллат тақдири , унинг истиқболи қандай бўлади? Ким бунга жавоб бера олади? Тарих олдида, миллат олдида, ўтмиш аждодлари ва келгуси авлод олдида, умуман келажак олдида ким ўзини кўрсата билади ва қандай жавоб бера олади. Президент Ислом Каримовнинг юқоридаги гапларида худди ана шундай аччиқ ҳақиқат ётади.

Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбари бундан бир неча йил олдин **"бу ўринда ҳаммага яхши маълум бўлган бир ҳақиқат - кескин муаммолар, шу жумладан, теварак атрофимиздаги мавжуд муаммолар ҳам инкор этилмаслиги лозим. Акс ҳолда бу можаролар танглikка олиб келиши, бошқариб бўлмайдиган танглик эса ривожланиш йўлида учраган барча нарсаларни вайрон қиладиган, давлат чегараларини ва ўзга сиёсий, иқтисодий, этник ва бошқа воқеликларни тан олмайдиган фалокатга айланиб кетиши мумкинлигини ёдга олиш ўринли бўлади"**, деган эди (23-24-бетлар).

Президент Ислом Каримов ғояларининг ҳаётийлиги шундаки, айни ана шу можаролар ички зиддиятлар туфайли вужудга келган келишмовчиликлар, ўзаро низолар заминида ривожланиб, шаклланганини ва улар орқали халқаро терроризмнинг урчишига шароит яратилишини бугунги воқеалар мисолида ўз кўзимиз билан яққол кўриб турибмиз. Президент худди ана шу ҳолатдан ташвишга тушади, одамларни, сиёсатдонларни, давлат арбобларини огоҳликка даъват этади.

Дарҳақиқат, ёвузлик ва қонхўрликнинг миллати йўқ. У ҳар қандай суверенитет, мустақиллик, давлат чегаралари, ҳудудий яхлитлик деган энг олий қадриятларни инкор қилади. Ўзининг яшаши учун қулай имконият қидиради. Натижада бир мамлакат ҳудудида юзага келган ўзаро низолар ташқаридан туриб унга ҳомийлик қиладиган кучлар таъсирида тез ривожланиб, нисбатан бўшроқ деворни қулатиб, кейинги ҳудудга бостириб киради. Бегуноҳ одамларни қақшатади.Ана шу ҳаётий мантиқдан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов **"Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар"**,- деган эди (24-бет).

Президент Ислом Каримов бутунлай янги тарихий шароитда фаолият юритаётган янги типдаги сиёсий арбоб сифатида узоқ йиллар мобайнида шаклланган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида қолган сафдошлари ва замондошларини бир муддат ҳушёрликка тортди. Уларни янгича тафаккур билан яшашга, бугунги жараёнларнинг истиқболдаги маҳсулини тушунишга, шунингдек, улар олиб келадиган машъумликларни ҳам англашга даъват этди.

Жумладан, унинг айни халқаро терроризмнинг вужудга келиши, шаклланиш жараёнлари ва оқибатлари хусусида чуқур илмий ва назарий хулосалари, сиёсий жиҳатдан ўзига хос ёндошиш усули бор. **Бу - донолик ва зукколикнинг, кўп йиллик ҳаётий ва амалий фаолиятнинг, мавжуд вазиятни тўғри ва теран таҳлил қила олиш салоҳиятининг уйғунлигидан келиб чиққан қарашлардир.**

Айни пайтда И. Каримов ғоялари нафақат мустақил, балки янги даврнинг янги маҳсули, мантиқий тафаккур тарзининг ёрқин тимсоли сифатида вужудга келди. Жумладан, буни терроризм ва ислом, исломнинг сиёсийлашуви, ислом ниқобидаги найранглар хусусидаги хулосаларида яққол кўрамиз:

**"Сўнгги йилларда воқеалар фожеали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига маълум этник низолардан ташқари яна диний тус ҳам берилди. Исломнинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепасига чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни мададга чақирган ҳолда бунга қуролли йўл билан эришишга очиқдан-очиқ уриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик ғоялари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён тоғли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурлар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса фожеали оқибатларга олиб келганлигига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо берадн"** (27-бет). Тўғриси бугун соф виждонли тинчликсевар халқлар афғон воқеаларини, хусусан уни ўз ҳудудларига - киндик қони тўкилган муборак Ватанларига мажбуран, зўравонлик билан "экспорт" қилаётганларни кескин қораламоқдалар. Келгуси авлоднинг баҳоси эса бугунгидан ҳам баттарроқ, бугунгидан ҳам аччиқроқ ва ҳатто аянчлироқ бўлади. Бундай баҳони тарих саҳифасидан ўчириб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди!

Президент Ислом Каримов минтақавий можаролар хусусида ва терроризмнинг ривожланишига имкон берадиган омиллар ҳақида гапирар экан, яна бир муҳим ҳолатга алоҳида тўхталади ва уни эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ниҳоятда катта потенциал хавф-хатар, деб атайди. Можароларнинг, келишмовчиликларнинг ва зиддиятларнинг келиб чиқиш омили сифатида чегаралар орқали бўлиб юборилган халқлар тақдирига таҳдид солиш, уларнинг ўзаро муносабатларига путур етказиш, азалдан қондош-жондош, бир миллат вакили бўлиб келган, қариндош-уруғ бўлиб кетган аҳолини чегаралар туфайли бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари ҳам мавжудлигини уқтириб ўтади. Ана шундай ҳолатни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов **"Афғонистон билан чегаранинг икки томонидаги тожиклар ёки ўзбекларни, ё бўлмаса пуштун қабилаларини бирлаштириш фойдасига сунъий далиллар тўпланмоқда. Мавжуд чегараларни этник асосида ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли. Минтақамиздаги чегараларни ўзгартириш бутун жаҳон ҳамжамияти учун даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто Босния ва Герцеговинадаги можаролар бу мудҳиш воқеалар олдида "ҳолва" бўлиб қолиши ҳеч гап эмас"**, дейди (28-29-бет).

Дарҳақиқат, бугун Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Афғонистон ҳудудида яшаётган ўзбеклар ва айни Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 га яқин миллат ва элатдан иборат бўлган аҳоли таркибидаги қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар ўртасида низо келтириб чиқариш, уларни бир-бирига қарши қўйиш бутун минтақани жарга қулатишдан иборат бўлган мудҳиш ҳодисадир. Айни маълум бир мамлакат, маълум бир минтақа халқлари ўртасидаги низолар ҳамиша фақат унинггина фожеаси бўлиб қолмаслиги, у айни пайтда бутун инсоният фожеаси, Ер шари тақдири билан боғлиқ бўлган ҳалокат эканлигини англашга даъват этади. Исталган бир мамлакатда ёинки ҳудудда қуролли тўқнашувлар, қон тўкишлар юз берса, авж олса нақадар мудҳиш оқибатларга олиб келишини Президент Ислом Каримов шундай ифодалайди: **"қуролли можаро кескинлашган тақдирда чегараларни тан олмасдан, қўшни давлатлар ҳудудига ёпирилиб киришга тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали нон ва бошпана топишнигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги ғулғула солишни истайдиганлар ҳам кириб келади"** (30-бет).

Бу муаммонинг икки жуда муҳим томони бор. **Биринчидан,** Президент И. Каримов таъкидлаганидек, ўзаро низолар, можаролар, тўқнашувлар ва қуролли қирғинлардан азоб чеккан ва натижада ўз уйини, бошпанасини, қадрдон гўшасини ташлаб кетишга мажбур бўлган жабрдийда қочоқлар билан бирга баднният, одамларни жумбушга келтирадиган, ўз хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, ғайриинсоний мафкураси билан муқим ва тинч яшаётган аҳолини саросимага соладиган, уларга таҳдид қиладиган одамлар ҳам чегарадан ўтиб, кириб келадилар. Бу тинч ва барқарор ҳаёт кечираётган бошқа бир мамлакатда ҳаёт измини ўзгартириш, таҳликани кучайтириш ва шу йўл билан тараққиётга ғов бўлишга олиб келади.

**Иккинчидан,** кутилмаганда мамлакат ҳудудига кириб келган оч ва юпун одамлар тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Натижада тинч аҳолининг моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётига зарар келтирадиган омиллар вужудга келади. Бу энг аввало иқтисод билан, моддий неъматлар билан боғлиқ бўлган, қочоқларни кундалик озиқ-овқат билан таъминлаш, яшаш шароитини яратиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг санитария ҳолатини назорат қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш муаммоларини келтириб чиқарди. Бундай ҳолат эндигина тараққиёт йўлига чиқиб олаётган мамлакатларда мавжуд табиий қийинчиликлар устига жуда катта кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Афғонистон ва Тожикистондаги можароларнинг бундай узоққа чўзилиб кетаётганини, муаммоларнинг чигаллашиб, тобора жиддий тус олиб бораётганини айни ана шу мамлакатлар аҳолиси унчалик ҳам баҳолай олмаётганга ўхшайди. Бунинг устига айни ана шу мамлакатлардаги мавжуд вазият орқали нафақат уларда, умуман Ер юзида, бошқа минтақаларда ҳам янгидан-янги муаммолар вужудга келяпти, жиноий унсурлар кўпайяпти. Жумладан, наркотик моддалар билан шуғулланиш, халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси жиддий тарзда авж олмоқда. Бу нафақат икки мамлакатнинг, балки бутун дунё халқларининг ҳаётига таҳдиддир. Зотан, Президент И.Каримов ибораси билан айтганда, дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг 75 фоизи фақат Афғонистонда етиштирилаётганлиги, унинг 90 фоизи Европага тарқатилаётганлигининг ўзи аянчли эмасми? Шарқу Fарб муносабатларини, Мағрибу Машриқ ўртасидаги жуда катта маданий, маънавий, иқтисодий, сиёсий алоқаларни кучайтириш ўрнига инсоният зотига қирон келтирувчи заҳри қотилни умумжаҳон бозорининг ноёб маҳсулотига айлантириш ва шу йўл билан жаҳон халқларини таназзулга келтиришдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

Ўзбекистон раҳбари ана шундан изтироб чекади ва бу муаммони умумжаҳон тақдирига дахлдор масала сифатида кўтаради.

### ИСТАНБУЛ САБОҚЛАРИ

Яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда янги юз йиллик ва янги минг йиллик остонасида туриб, кейинги асрдаги инсоният тақдири, тараққиёт муаммолари ва уларга таҳдид солувчи омиллар кенг муҳокама қилинди.

Шу йилнинг 18-19 ноябр кунлари бўлиб ўтган ушбу улкан анжуманда асосий муҳокама қилинган масала Европада Хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо бўлган 54 мамлакатнинг, балки бутун дунёнинг келгуси асрдаги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим ҳужжатдир. Ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга сўз берилди. Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кўтарган муаммолар, илгари сурган ғоялар нақадар реал эканлигини бугун шафқатсиз ва одил ҳакам — вақт яққол кўрсатиб берди.

Президент Ислом Каримов халқаро терроризм ва минтақавий можаролар хусусида гапирар экан, **"Бугунги кунда халқаро майдонда "совуқ уруш" кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллий давлатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ"**, деди. Дарҳақиқат, бундан саккиз-ўн йил муқаддам Ўзбекистон раҳбари бир марта эмас, бир неча марта турли-туман халқаро ташкилотлар, БМТ, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли идораларнинг олий минбарларидан туриб мазкур муаммони жиддий тарзда кўтарган эди. Айни инсоният ҳаётига таҳдид солувчи бундай можаролар ва ҳаракатларга халқаро ташкилотлар юзаки қараётганини, воқеа содир бўлгандан кейингина олисдан туриб шунчаки муносабат билдираётганини, кўп ҳолларда эса томошабинлик вазифасини бажараётганлигини кўрсатиб берган эди.

Президент Ислом Каримовнинг стратегик қарашлари - бу аввал-бошданоқ минтақавий можароларнинг олдини олиш, қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга путур етказмаслик, турли мамлакатларда яшаётган турли миллатга мансуб халқларнинг бир маромдаги турмушига таҳдид қилмаслик сиёсатидир. Айни ана шу сиёсат вақт ўтгани сари ривожланиб, такомиллашиб, тобора камолотга етиб боряпти ва унинг том маънодаги ҳақиқат эканлигини кейинги йиллар воқеалари аниқ ва равшан кўрсатиб берди.

Истанбул саммитида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов **"Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмоқдамиз. Буни Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.**

**Бундай режанинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан буён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидапарастлар бошпана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатга айланиб қолди"**, деган муаммони кўтаради.

Ўзбекистон раҳбарининг позицияси, воқеа-ҳодисаларга ёндошиш усули ва сиёсий тактикаси халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашишга даъват этишида, жумладан, Афғонистон ва Тожикистон можаролари, уларга ҳомийлик қилаётган кучлар фаолиятига баҳо беришда, уларни аниқлашда янада яққол кўзга ташланади. Истанбул саммитида Хавфсизлик Хартияси лойиҳаси муҳокама қилинар экан, бу лойиҳани янада тўлдириш, янги бандлар ва ғоялар билан бойитиш таклифини киритди. Яъни, **"ЕХҲТ минтақавий хавфсизлик, жумладан Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим. Бу ўринда ЕХҲТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур"**, деди. Ушбу таклифнинг ўзида ЕХҲТнинг халқаро ташкилот сифатидаги нуфузини ошириш, унинг бевосита можаролар чигаллашиб борган жойдаги таъсирини кучайтириш ва шунчаки кузатувчилик ҳолатидан жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, мамлакатлараро ва минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни йўлга соладиган, унинг мувозанатини сақлаб турадиган ташкилотга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу давлат раҳбаридан алоҳида ирода, сиёсий қудрат, ички маданиятни талаб қиладиган воқеликдир. Дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари иштирок этаётган халқаро анжуманда барчанинг диққатига сазовор бўладиган аниқ ва конкрет таклиф айтиш йўли билан ўзининг ва давлатининг салоҳиятини кўрсата билиш қобилиятидир.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган иккинчи таклиф ЕХҲТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган эътибор бўлди. Бу айниқса демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканини алоҳида таъкидлади ва **"мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХҲТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХҲТ доирасида Тезкор Фуқаролик корпусини (ҚЕАСТ) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўл келиши мумкин"**, деди.

Халқаро терроризмнинг қандай шаклда бўлмасин, диний ёки бошқа тусда бўладими, тобора моддийлашиб, иқтисодий манфаатларга хуруж қилаётгани, айни ана шу эҳтиёжларни инсоният наслини айнитадиган оғу савдоси - наркобизнес орқали қондиришга интилаётганлиги масаласини, айтиш мумкинки, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жаҳон сиёсатдонлари орасида биринчи бўлиб кўтарди. Айни халқаро терроризмнинг моддийлашув жараёни ниҳоятда хавфли, хатарли, таҳликали эканлиги илк бор аниқ-равшан таҳлил этилди. **Бу - биринчидан.**

**Иккинчидан,** халқаро терроризм нафақат инсоннинг жисмоний кушандаси, балки уни маънавий жиҳатдан ҳам барбод этувчи, унинг насли-насабини бузувчи, Ер юзида мажруҳу нимжон одамларнинг, ақлий ва маънавий жиҳатдан заиф аҳолининг кўпайишига олиб келадиган жиноят турига - биологик ҳалокатга элтувчи хатарли ҳодисага айланаётганлигини ҳам Ўзбекистон раҳбари биринчи бўлиб кўтарди.

Президент И.Каримов киритган учинчи таклиф бу Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш, уни бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимига мослаштириш ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган, ҳаёт келтириб чиқараётган янгидан-янги муаммоларни ҳал этишга кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ бўлган таклифлардир. Жумладан, Президент Ислом Каримов **"Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим"**,- деди. Бу чиндан ҳам ЕХҲТ фаолиятини янги замонга мослаштириш учун унинг таркиби, тизими ва фаолият доирасини такомиллаштириш зарурати туғилганини кўрсатади.

Истанбул саммити Ўзбекистон сўзининг қудратини, унинг сиёсий иродасини ва жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатаётганини яна бир бор намойиш қилган улкан ҳодиса бўлди. У яна бир бор дунёнинг энг нуфузли сиёсатдонлари эътиборини халқаро терроризм ва экстремизмнинг туб моҳиятини, унинг тараққиёт омилларини, Ер шари ва инсоният тақдирига солаётган таҳдидларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этишга, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан муносиб баҳо беришга қаратди. Президент Ислом Каримов нутқи бугунги Ўзбекистон сиёсатининг бутун кўламини ва умуминсоний қадриятга дахлдорлигини кўрсатиб туради.

### ХОТИМА

**Тарих чархпалаги тинмай айланаверади.** Шу аснода турли-туман воқеа-ҳодисаларни гоҳ тадрижий равишда, гоҳ кутилмаган ҳолда келтириб чиқараверади. Ҳар бир даврнинг ўз муаммолари ва ўз юмушлари шу тахлит юзага қалқиб чиқади.

Халқаро терроризм биз учун янгилик ҳам, айни пайтда тасодифий ҳам эмас. У йиллар мобайнида урчиб, ривожланиб, такомиллашиб бораётган мудҳиш ҳодиса. Унга кимлардир билиб-билмай, кимлардир онгли равишда шароит яратиб берди. Бироқ, камдан-кам кишиларгина ёвузликни туғилган заҳотиёқ англайди, тушунади, ўз вақтида баҳо беради. **Ана шундай буюк ҳодиса, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан пайқаб, олдиндан баҳо бера олиш қудрати Ўзбекистонга, унинг раҳбарига насиб этган.** Бу буюк фазилат ва оқил сиёсатдонлик қудрати миллат ва мамлакат, ўзбек ва Ўзбекистон шаънини дунё меҳварига олиб чиқмоқда ва унинг маънавий қудратини кўрсата оладиган илоҳий омил сифатида кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, дунё кескин кўтарилишлар, оламшумул тараққиёт омиллари билан бирга уни таназзулга олиб борувчи, инсоният кушандаси бўлган ҳолатларни ҳам кўп кўрган. Зотан, инсон табиати шундай. Унинг жисмида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик туйғулари ёнма-ён яшайди. Бутун ҳаёт, бутун Ер шари ва унинг соҳиби бўлган инсоният айни ана шу одам, унинг муҳаббатию нафрати, эзгулигию ёвузлиги ўртасида қалқиб яшайди. Ана шундай пайтда фақат яхшилик ва эзгулик туйғуларини ўстириш, тарбиялаш, уни камолга етказиш йўлини тутган одамдагина буюклик, даҳолик қудрати мавжуд бўлади. **Бундай илоҳий қудрат бугун яна ўзбеклар ва Ўзбекистонга насиб этган.**

Сиёсат қачонки эзгулик йўлини танласа, инсонпарварлик туйғулари билан суғорилса умуминсоний қадриятга айланади. Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий можаролар, халқаро терроризм ва диний экстремизм иллатларига муносабати айни ана шу эзгулик ва яхшиликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг, Ўзбекистон давлатининг сиёсати эса умумжаҳон сиёсатининг асосий қисмига, умуминсоний қадриятга айланаётганлигининг натижасидир.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар номзоди.**

